

Термиз туманида шафтоли экспорти давом этмоқда



Юртимизда боғларида айни кунларда мевалар ғарқ пишган. Ушбу ноз-неъматларни халқимиз дастурхонига сарҳиллигича етказиб бериш баробарида, уларни экспорт қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Туркиялик инвесторлар томонидан ташкил этилган “СПН Ҳумо Агро” хорижий корхонасининг Термиз туманида 106,3 гектар майдонда боғдорчилиги мавжуд бўлиб, шундан 28 гектарга “Бигбен”, “Плана голд”, “Плана семир” каби шафтолининг эртапишар, ҳосилдор навлари экилган.

Айни кунларда шафтоли мевалари кунлик маҳаллий ва қўшни давлатларга экспортга чиқарилиши давом этмоқда.